

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ**

**ЭКОЛОГО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ**

**ENVIRONMENTAL AND ECONOMIC ASPECTS OF SUSTAINABLE  
DEVELOPMENT**

Таджибаев Закир Маликович,  
доцент, Фаргона давлат университети,  
Ўзбекистон, Фарғона ш.

**Аннотация:**

Мақолада барқарор ривожланиш мақсадлариға эришиш масалалари экология соҳасидаги чора-тадбирларни иқтисодий самарадорлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Барқарор ривожланиш (БР) биринчи марта 1980-йилларда халқаро мунозараларда эътиборни ўзига тортиди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Конференциясининг марказий мавзусига айланди. Ривожланиш хақиқатда барқарор бўлади, агарки иқтисодий тараққиёт кенг ёйилса, ўта қашшоқликка барҳам берилса, жамиятни мустаҳкамловчи сиёsat орқали ижтимоий ишонч рағбарлантирилса, атроф-мухит эса антропоген деградациядан ҳимояланса.

**Калит сўзлар:** экология, иқтисодиёт, табиий ресурслар, барқарор ривожланиш, илмий-техника тараққиёти, барқарор транспорт.

**Аннотация:**

В статье вопросы достижения устойчивого развития анализируются с точки зрения экономической эффективности мероприятий в области экологии. Впервые Устойчивое развитие (УР) привлекло к себе внимание 1980 гг на Международных обсуждениях и превратилась в центральную тему Конференции ООН. Действительно развитие будет устойчивым, если экономическое развитие получить широкое распространение, ликвидируется крайняя бедность, через политики стимулируется доверие укрепляющее общество.

**Ключевые слова:** экология, экономика, природные ресурсы, устойчивое развитие, научно-технический прогресс, устойчивый транспорт.

**Abstract:**

In the article, the issues of achieving sustainable development are analyzed from the point of view of the economic efficiency of measures in the field of ecology. For the first time, Sustainable Development (SD) came to the attention of the 1980s in International discussions and became the central theme of the UN Conference. Indeed, development will be sustainable

if economic development is widely disseminated, extreme poverty is eliminated, and confidence is stimulated through policies that strengthen society.

**Keywords:** ecology, economy, natural resources, sustainable development, scientific and technological progress, sustainable transport.

## **КИРИШ**

Иқтисодий фаолиятнинг сайёравий миқёсда кенгайиши ва унинг натижаси сифатида, атроф муҳитга таъсирини кучайиши ҳам асосий демографик ўзгаришлар, жумладан, аҳолининг ўсиши, ёш таркибидаги силжишлар, шунингдек, урбанизация жараёнларининг тезлашиши, аҳоли жон бошига даромадларнинг ўсиши, юқори даражада ривожланган мамлакатларда истеъмол тузилмасини ўзгариши ва "учинчи дунё" мамлакатларида табиий ресурсларни камайиши билан тақазо қилинган[3].

Кейинги даврда амалга оширилаётган кўпдан-кўп илмий тадқиқотларда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган олимлар ишланмаларида сайёра тизимида улкан ва хавотирли ўзгаришлар – иқлим ўзгариши ва биохилма-хилликни йўқотишдан тортиб, то гидрологик цикллар ва озуқа моддалари циклларидағи бузилишлар ва табиий ресурсларни қувватлизланишигача бўлган воқелик юз бераётганлиги нашр қилинаётган статистик ахборотларда ўз аксини топмокда. Бу глобал ўзгаришлар одамларни бўлажак фаровонлигига жиддий негатив оқибатларга олиб келиши мумкинлиги туфайли шундай масалалар кун тартибига қўйилмоқдаки, унда глобал цивилизация барқарор ривожланиш йўлидами ёки у “хаддан ташқари” кўп истемол қилиб, хаётий муҳим бўлган табиий капитални қувватлизлантиromoқдами деган фикрлар мавжуд.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

Иқтисодиёт ҳам фан, ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаси сифатида барқарор ривожланиш муаммоларини ҳал этишда марказий ўринни эгаллаши керак. Барқарор ривожланиш асосида ётган асосий масала - бу сайёрамизнинг чекланган ресурсларидан "ҳозирги кун эҳтиёжларини келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш қобилиятини хавф остига солмасдан" фойдаланган холда қондириш учун қандай тақсимлашдир. Барқарор ривожланиш (БР)- БМТ аниқлаши бўйича бу кенг қамровли атама бўлиб, ҳозирги авлод эҳтиёжларини қондиришнинг ўсишини барча шаклларини қамраб олиб, келажак авлодлар манфаатларига пурт етказмаслиги керак. Бу ғоя атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини муҳокама қилиш ва қарор қабул қилишда БМТ томонидан таърифланган келажак авлодларга зарар етказмасдан ҳозирги авлодларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ўсишнинг барча шаклларини қамраб олувчи кенг тушунчадир. Шунингдек, Барқарор ривожланиш ресурслар ва табиий тизимларни амал қилиши нуқтаи назаридан экологик мувозанатни ўрганиш ва сақлаш сифатида ҳам аниқлаш мумкин.

Барқарор ривожланиш (БР) атамаси 1992-йилда Бразилияning Рио-де-Жанейро шахрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича

конференцияси (ЮНСЕД)га бориб тақалади, бу Ер саммити деб ҳам аталади. 117 давлат раҳбарлари ва 178 мамлакат вакиллари иштирок этган Ер саммити 1992 йилгача бўлган дунё етакчиларининг энг йирик йиғилишига айланди. Ер саммити ушбу соҳадаги миллый сиёсатнинг асосини ташкил этувчи иқтисодий ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун барқарор ривожланишга асосланган ечимлар ва келишувларни ишлаб чиқишига қаратилган биринчи халқаро уриниш бўлди. БР концепцияси Дж.Р.Хикс томонидан киритилган “иқтисодий барқарорлик” тушунчасига деярли тўлиқ мос келади. Олим ўзининг классик асарида “даромад” тушунчасини “инсоннинг маълум бир даврда истеъмол қилиши мумкин бўлган ва кўрсатилган давр охирида ҳам хамон ўша бойлигига эга бўлиши мумкин бўлган миқдор” деб таъриф берган. Анъанага кўра, иқтисодчилар табиий ресурслар захираси чексиз деб ҳисоблаб, бозор рақобати қонунлари бозор ресурсларини самарали тақсимлаш қобилиятига таъсир қиласи, деб ҳисоблашган [4].

Улар, шунингдек, иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш жараёнида йўқ қилинган табиий ресурсларни тиклаш учун технологик имкониятларни барпо қилишига олиб келади деб ишонишган. Бироқ, бугунги қунда табиий ресурслар чексиз эмаслиги ва деярли қайта тикланмаслигини англаш юз берди.

2005-йилда Ижтимоий ривожланиш бўйича Умумжаҳон саммитида “Барқарор ривожланишнинг уч устуни” деб номланган барқарор ривожланишнинг учта асосий йўналиши белгиланди. Устунлар иқтисодий ривожланиш, экологик ривожланиш ва ижтимоий ривожланиш бўлиб, улар норасмий равишда фойда, сайёра ва одамлар деб ҳам аталади.

Ушбу учта ядро ўзларининг асослари билан фарқ қиласи, лекин умумий мақсадларда ўхшаш ва бир-бирини ҳисобга олади.

Иқтисодиёт фанининг диққат марказида хошишда бўлган мақсадга эришиш учун чекланган ресурсларни қандай тақсимлаш, яъни ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий формация олдида турган муаммони ҳал қилиш: тақчиллик шароитида ресурсларни тақсимлаш туради. Хусусан, иқтисодиёт товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмолни ўрганади ва улар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг таянч нуқталари (озик-овқат, уй-жой инсон эҳтиёжларини бошқа эҳтиёжларини таъминлаш ҳисобига турмуш даражасини ошириш) бўлиб, иқтисодиётда жорий ўзгаришларни асосий сабабчиларидир.

Иқтисодиёт фан сифатида бошқа табиий фанлар билан биргаликда муқобил варианларнинг ижобий ва салбий таъсири ва улар билан боғлиқ бўлган муросасозликни тушунишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Колаверса иқтисодиёт ижтимоий-гуманитар ва бошқа табиий-илмий фанлар билан биргаликда инсон хатти-ҳаракатларини барқарор ривожланиш йўлида қандай ўзгартериш мумкинлигини тушуниш учун жуда муҳимдир. Иқтисодий тамойиллар ва эмпирик маълумотларни қўллаш инсониятнинг ҳозирги замонда муносиб яшашга бўлган интилишларини қондиришга ва табиий ресурсларнинг чекланганигини ҳисобга олган ҳолда келажакдаги ривожланиш истиқболларига, яхши ҳаётга интилишнинг марказий таркибий кисми бўлиши керак.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги қўламидан қатъи назар, аниқ мақсадли функцияга эга бўлиши керак: табиий мухитга ҳалокатли зарар етказмаслиги ва харажатлар потенциал заардан паст бўлиши керак.

Илмий-техника тараққиёти умуман олганда жаҳон иқтисодиётининг ривожлантиришни жадаллаштиришга катта туртки бераётган бўлса-да, уни ютуқларидан фойдаланиш дунё мамлакатлари орасида тенгсизликни кучайишига олиб келмоқда. Сабаби ривожланган мамлакатлар Илмий-техника тараққиёти ютуқларидан юқори даражада фойдаланган холда иқтисодиёти ва умуман жамиятини ҳар қачонгидан ҳам жадалроқ ривожлантирмоқда, дунёning бошқа кўплаб мамлакатлари эса (учинчи дунё “деб аталмиш мамлакатлар”) ўзгаришларга, яъни, Илмий-техника тараққиёти юзага келтирган вазиятда мужассамлашган янгиликларга мослашилари жуда мураккаб кечиб, афзалликлардан фойдаланиш имкониятларини бой бермоқдалар. Бундай шароитда ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасида тенгсизлик тобора ортиб бормоқда.

Шунга кўра дунёда ялпи ички маҳсулотни ошириш учун бор қучи билан харакат қилаётган ва шу йўл билан жамиятдаги кам таъминланганлар холатини яхшилаш учун курашаётган давлатлар ҳали ҳам кўп. Ўз вақтида (1776 йилда) Адам Смит Африка ва Осиёning ички худудлари дунёning иқтисодий жиҳатдан энг заиф ривожланган ҳудудлари эканлигини кузатган. Тропик зонада жойлашган ёки денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган баъзи – бир мамлакатлар, масалан, Эфиопия, Нигерия, Мали, Кения, Боливия, Чад, Буркина-Фасо, Уганда, Руанда, Зимбабве, Замбия, Лесото, Лаос каби мамлакатлар ҳали ҳам замонавий иқтисодий ўсишга эришганларича йўқ. Баъзи-бир мамлакатлар эса бунга икки аср олдин эришганлар.

Айтиш керакки, мамлакатлар ўртасида номутаносибликлар доимо мавжуд бўлган, аммо энг бой ва энг камбағал мамлакатлар фуқаролари даромадларидағи тафовут 19-асрда Буюк Британияда саноат инқилоби бошланганда, кейин эса Фарбий Европанинг бошқа мамлакатларида кескин ўсиш рўй берди ва бу тенденция 20-асрда давом этди. Энг камбағал ва бой давлатлар аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ 1820 йилда 3 марта, 1913 йилда 11 марта, 1950 йилда 35 марта, 1973 йилда 44 баравар, 1992 йилда 72 мартани ташкил қилган. 21-аср бошида 20 та энг бой ва энг қашшоқ мамлакатлар аҳолисининг даромадларидағи фарқ 37 бараварга тенг бўлди (8).

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳисоботида дунё 2030 йилга бориб очлик, озиқовқат хавфсизлиги ва тўйиб овқатланмасликнинг барча қўринишларига барҳам бериш мақсадидан тобора узоклашиб бораётгани ҳақида янги далиллар келтирмоқда: дунёда очликдан азият чекаётгандар сони 828 миллионга етди. 2021 йилда бу 2020 йилга нисбатан қарийб 46 миллионга ва COVID-19 пандемияси бошланишидан олдингига нисбатан 150 миллионга кўп (9).

Атроф мухит билан боғлиқ бўлган вазият юқоридагига ўхшаш, аникрофи бундан-да ачинарли, чунки жамиятимизнинг бошқа соҳалари мувафаққиятга эришаётган пайтда атроф-мухит холати тобора кўпроқ хавотирлик тутдирмоқда. Экологик мухитга мисол қилиб ўрмонларни кесишни тўхтатиш, ер ресурсларини мухофаза қилиш ва чучук сув ресурсларини химоя қилишни кўрсатиш мумкин.

Атроф-мухит масалалари икки тоифага бўлинган: атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва фаолият ва маҳсулотларни алоҳида турларини тартибга солиш. Тартибга солишни талаб қиласидиган фаолият ва маҳсулотларга мисоллар орасида заҳарли кимёвий моддалар, хавфли чиқиндилар, биотехнология ва қишлоқ хўжалиги амалиётлари бор.

Барқарор ривожланиш даставал 1987 йилда Брундуланд Комиссияси томонидан "Бизнинг умумий келажагимиз" номли хужжат сифатида қабул қилинган. Шунингдек, бу хужжат Ер саммити учун хам асос ролини ўйнаб, глобал миқёсда индикатив режалаштириш тамойилларини белгилаб берди [5].

Дунёнинг хар қандай нуқтасида юзага келган экологик муаммолар ўзаро боғлиқлик занжири бўйлаб сайёрамизнинг бошқа қисмларида жиддий иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Мисол учун, агар соғлиқни сақлаш даражаси паст бўлган мамлакатда COVID-19 га ўхшаш пандемия пайдо бўлса, у миллионлаб одамларни тезлик билан қурбон қилиши мумкин ва натижада ишчи кучи қисқаради, соғлиқни сақлашга харажат кўпаяди ва бу психологик стресс фуқароларни кўчага чиқишига имкон бермасдан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этиб, уни ўстиришга ўз хиссасини қўшишига имкон қолдирмайди [14]. Агар қишлоқ хўжалиги деградацияга учраса ва океанлар ифлослантирилиб, сув хайвонлари ва ўсимликлари яшаси ва ўсиши учун яроқсиз холатга келса бутун дунё бўйлаб инсоният озиқ-овқатнинг асосий манбасини йўқотади, туризм билан бюджетни даромад қисмидан маҳрум бўлади [7].

Барқарор ривожланиш олдида турган яна бир жиддий муаммо бу 21-асрда замонавий турмуш тарзини таъминлаш учун ресурсларнинг етишмаслигидир. Қолаверса, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, экотоксикантлар биосоциум учун энг катта хавф ҳисобланади.

Экотоксикантлар – атроф мухитни ифлослантирувчи ва уларда бўлган тирик жонзодларни захарловчи заарли кимёвий моддалардир. Уларни асосий ҳосил бўлиш, келиб тушиш манбаси кимё, нефтни қайта ишлаш, металлургия, ёқилғи саноат корхоналари билан бирга ИЭС ва энергетик станциялари; хар-хил транспорт турлари, ва айниқса автомобиль транспорти, унинг хиссасига хаво ифлосланишини Тошкент шахрида 93%ни тўғри келади. Ваҳоланки, республика бўйича бу кўрсаткич 56%ни ташкил қиласи.

19-20-асрлардаги саноат инқиlobларидан сўнг, айниқса, саноати ривожланган мамлакатларда турли талаб ва таклиф омилларининг уйғунлашуви натижасида транспорт, товарлар ва одамлар ҳаракати кўп марта ошди. Ҳозирги вақтда транспортнинг ҳаво, сув ресурслари ва қуруқликка салбий таъсири, шунингдек, биотизимларга таъсири глобал муаммога айланниб бормоқда. Бинобарин, транспорт тизимлари атроф-мухит, молиявий ва ижтимоий имкониятлардан ташқарига чиқмасдан, худудда фойдаланиш имконияти ва ҳаракатчанлик даражасини максимал даражада ошириш учун ишлаб чиқилиши мумкин.

## **ХУЛОСА**

Барқарор ривожланиш концепциясида "Барқарор транспорт" тушунчасини кўриб чиқиш учун катта эҳтиёж мавжуд, Бу нарса транспортни ўз барқарорлигини ўрганиш, унинг атроф-мухит, аҳоли саломатлиги, ердан фойдаланиш, тирбандлик, хавфсизликка ижобий

ва салбий ташқи таъсирини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш мумкин. Барқарор транспорт тизими (Барқарор транспорт) бу:

- инсон саломатлиги ва бутун экотизимга мос келадиган тарзда одамлар ва жамиятнинг хавфсиз харакатланишга бўлган асосий эҳтиёжларини қондириш имконини беради;
- арzon, самарали, транспорт турларини танлашни таклиф қилади ва динамик иқтисодиётни қўллаб-куватлади;
- қайта тикланмайдиган ресурслар истеъмолини барқарор ривожланиш талаблари асосида камайтиради, чиқарилмаларда мужассамлашган захарли моддалар ва уларни ташкил қилувчиларини қайта ишлайди хамда ерни ифлосланиш ва атроф муҳитга шовқин таъсирини минималлаштиради.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентинг“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони (электрон манба - <https://lex.uz/docs/5841063>).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. (электрон манба - <https://president.uz/uz/lists/view/5774>).
3. Ли Куан. На пути из третьего мира в первый. Взгляды и убеждения. - М., Манн, Иванов и Фербер, 2015.
4. Hicks J.R. 1946. Z.Z. Value and Capital 2nd ed., (Ценность и Капитал), второе издание 1946. Oxford: Clarendon Press
5. Transforming Our World: The 2030 Agenda for Sustainable Development. A/RES/70/1 (United Nations, New York).
6. Машкин А.Л., Гоголина Е.С., Телушкина Е.К. Анализ состояния автомобильного транспорта в 2018-2020 годах и перспективы его развития с учетом последствий пандемии covid-19 // Экономика и бизнес: теория и практика. - 2021. - № 2-1 (72). - С. 150-153.
7. Ulitsky M.P., Gogolina E.S., Mashkin A.L., Glagoleva S.V. Digital Technologies for Analyzing Environmental Risks of Transport Infrastructure, Intelligent Technologies and Electronic Devices in Vehicle and Road Transport Complex, TIRVED 2021 - Conference Proceedings, 2021
- 8.<https://www.fao.org/newsroom/detail/un-report-global-hunger-SOFI-2022-FAO/ru>
9. Каримова, Г. Й. (2021). MORALITY AS AN IDEOLOGICAL METHOD OF FIGHTING SPIRITUAL THREATS. Экономика и социум, (6-1), 707-710.
10. Пулатова, Н. Р. (2023). АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙӢ ФАОЛИЯТИДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 34, 167-169.
11. Pulatova, N. (2022). THE ESSENCE AND THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASES OF ETHNOECOLOGICAL CULTURE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(1), 33-35.
12. Urinov, D. A. (2022). Effective Organization Of Transfer Of Innovations In Higher Education Institutions. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 144-148.

13. Ўринов, Д. А. (2020). Роль вузов в формировании региональной инновационной политики. In *Минтақа иқтисодиётини инвестициялашнинг молиявий-ҳуқуқий ва инновацион жиҳатлари* (pp. 148-153).
14. Akhmadjonovich, U. D. (2021). Integration Of Science And Education As An Important Factor In Improving The Quality Of Education. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(10), 21-27.
15. Akhmadjonovich, U. D. (2021). System Of Indicators Reflecting The Process Of Innovation Transfer In Higher Educational Institutions. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(11), 1-5.
16. Таджибаев, З. М., & Ахунов, Ж. Ж. ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ. “*JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*” VOLUME 1, ISSUE 3, 28.
17. Таджибаев, З. М. (2019). ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ОБЩЕСТВА И ПРИРОДЫ: НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ЭКОЛОГИЗАЦИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ. In *Теория и практика корпоративного менеджмента* (pp. 110-112).
18. Таджибаев, З. М. (2019). Экологические аспекты формирования инновационного землепользования. In *Теория и практика корпоративного менеджмента* (pp. 113-122).
19. Таджибаев, З. М., & Собирова, Л. А. (2022). КИЧИК БИЗНЕС ВА УНИЮКСАЛТИРИШ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИ МУХИМ ОМИЛИ. *Results of National Scientific Research International Journal*, 1(3), 105-111.
20. Таджибаев, З. М. (2023). ЭКОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ ВА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА. *Gospodarka i Innowacje.*, 41, 15-20.
21. Таджибаев, З. М. (2019). Земельные ресурсы и инновационное развитие сельского хозяйства. *Тенденции развития мировой торговли в XXI веке: Материалы VIII*, 107.
22. Malikovich, T. Z. (2020). Innovative development of agriculture: ground resources. *European science*, (2-1 (51)), 71-73.
23. Karimov, U. U. (2021). Scientific and Theoretical Foundations of the Formation of the Social Environment in the Family. *Oriental Journal of Social Sciences*, 37-40.
24. Sadigjonovich, G. B., & Umaralievich, K. U. (2022). Socio-Philosophical Aspects of the Orientation of Young People to Entrepreneurial Activity. *Research Focus*, 1(4), 359-363.
25. Sodiqjonovich, G. B. (2023). SOCIO-PHILOSOPHICAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURIAL ACTIVITY IN THE PERIOD OF RENEWAL OF OUR COUNTRY. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 18, 233-238.